



**Республика ихтисослаштирилган
эпидемиология, микробиология
юқумли ва паразитар касалликлар
илмий амалий тиббиёт маркази**



**Республика спорт тиббиёти
илмий-амалий маркази**

ХАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР СОҲАСИДА ХАМКОРЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ

МЕМОРАНДУМ № 5

Тошкент ш.

2026 йил «9» 07

«Республика Спорт тиббиёти илмий-амалий маркази» МЧЖ (бундан буён матнда «Марказ» деб юритилади), директор К.Сирожитдинов ва иккинчи томондан Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази (бундан буён матнда «Хамкор» деб юритилади), директор Б.Таджиев куйидагилар тўғрисида мазкур Меморандумни имзоладилар:

1. МЕМОРАНДУМНИНГ МАКСАДИ ВА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Меморандумнинг максоди миллий терма жамоалар спортчиларига юқори малакали микробиология юқумли ва паразитар касалликлар бўйича тиббий ёрдам курсатиш, касалликларни тезкор диагностика қилиш, томонлар Уртасида илмий-амалий тажриба алмашишни йулга қуйиш ҳамда илмий, Уқув, услубий ва амалий соҳаларда ҳамкорлик қилишдан иборат.

1.2. Хамкорлик донрасида Марказида мавжуд булмаган микробиология юқумли ва паразитар касалликлар йуналишлари бўйича мураккаб текширувлар амалиётларига мухтож булган спортчиларни Хамкорга йуналтиради.

2. ТИББИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТАРТИБИ ВА МОЛИЯВИЙ ШАРТЛАР

2.1. Хамкор, Марказ томонидан таклим этилган белгиланган шаклдаги Йулланма асосида келган спортчиларни инфекционист куригидан утказди ва бирламчи консультация хизматини бепул (бегараз) амалга оширади.

2.2. Спортчига бирламчи консультациядан сунг тайинланадигая қушимча диагностик текширувлар (лаборатор, инструментал ва х.к.) амалиётлари Хамкорнинг амалдаги ички регламенти ва тасдиқланган прејскурантига мувофик (пуллик асосда ёки алоҳида қелишув асосида) амалга оширилади.

2.3. Спортчи касалликларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, Хамкор йуналтирилган спортчиларни имкон қадар навбатсиз ва тезкорлик билан куриқдан утказиш чораларини куради.

2.4. Хамкор куриқ ва текширув натижалари бўйича асослантирилган тиббий хулосани расмийлаштиради ва Марказ мутахассисларига (ёки беморга) такдим этади.

3. МАХФИЙЛИК ВА ТИББИЙ СИРНИ САКЛАШ

3.1. Томонлар ушбу Меморандум дорасида олинган беморлар (спортчилар) хақидаги барча малумотларни (диагноз, текширув натижалари, муолажалар тарихи ва х.к.) катъий тиббий сир деб тан оладилар.

3.2. Хамкор спортчининг саломатлиги ҳолати ҳақидаги маълумотларни Марказнинг масъул шифокоридан бошқа учинчи шахсларга (ОАВ, спорт агентлари, клублар ва х.к.) беморнинг ёзма розилигисиз тақдим этмаслик мажбуриятини олади.

3.3. Мазкур махфийлик мажбурияти Меморандум муддати тугаганидан кейин ҳам ўз кучида қолади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Марказнинг мажбуриятлари:

- Спортчиларни йўналтиришда уларнинг шахсини ва спортчи мақомини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш;

- Хар бир спортчи учун алоҳида расмий йўлланма тақдим этиш.

4.2. Хамкорнинг мажбуриятлари:

-Йўлланма билан келган спортчиларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш;

-Бепул консультация дорасида аниқ тиббий хулоса ва тавсиялар бериш;

-Маълумотларнинг тиббий сир сақланишини таъминлаш.

5. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Мазкур Меморандум имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) йил давомида амал қилади. Агар томонлардан бири уни муддати тугашидан 30 кун олдин бекор қилиш истагини ёзма равишда билдирмаса, Меморандум кейинги муддатгача ўз-ўзидан узайтирилади.

5.2. Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равишда қўшимча келишув орқали киритилади.

5.3. Мазкур Меморандум ўзбек тилида, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан тақдим этилади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

Республика спорт тиббиёти
илмий-амалий маркази

Республика ихтисослаштирилган
эпидемиология, микробиология
юқумли ва паразитар касалликлар
илмий амалий тиббиёт маркази

Директор  К. Сирожитдинов

Директор  Б. Гаджиев

